

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2021 йил 1 июнь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,  
раислик қилувчи: Т.Вахобов,  
ҳайъат судьялари: Ф.Абдураимов ва А.Хабибуллаевдан иборат таркибда,  
М.Азизовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Дадажонов, ҳимоячи П.Хайдаров, судланган Н.Аларнинг иштирокида, Н.Ага оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 16 апрелдаги ҳукмига кўра:

Н.А, [ ] йил [ ] [ ] куни [ ] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, [ ] шаҳар “[ ]” МФЙ ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича раис ўринбосари вазифасида ишлайди, судланмаган, [ ] шаҳар, “[ ]” МФЙ, [ ] кўчаси [ ]-уй, [ ]-хонада яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖК 45-моддасини қўллаб, 1 йил маҳалла тизимида моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.А ушбу ҳукм билан судланган Д.А ва Б.Илар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ш.Анинг 2020 йил 24 сентябрь куни туғилган набираси Ш.Ага бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа пулини тайинлатиб беришни ваъда қилишган ҳолда алдаб, 1.000.000 сўмни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Судланган Н.А апелляция шикоятида, жиноятни фош этилишида фаол ёрдам берганлиги, муқаддам судламаганлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, зарар мавжуд эмаслиги ва яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57,57<sup>1</sup>-моддаларини қўллаб, ЖКнинг 71-моддасига асосан асосий ва қўшимча жазодан озод қилишни



сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Хабибуллаевнинг маърузасини, прокурор Ж.Дадажоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи П.Хайдаров ва судланган Н.Аларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Н.Анинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва ҳаракатини ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган бўлиб, шикоятда айблилик масаласига эътироз билдирилмаган.

Судланган Н.Анинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг айбига иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, шу иш бўйича судланган Б.И, Д.А, гувоҳ Ш.Аларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят иши ҳужжатларига кўшилган аризага диктафон бериш, аризадан диктафонни қабул қилиб олиш, пулларга кимёвий ишлов бериш ва аризага тақдим этиш, аризани текшириш, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш баённомалари, стенограмма, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан исботини топди.

ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, 8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд судланган Н.Ага жазо тайинлашда, қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, аёл киши эканлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Қонун доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва келгусида жиноятлар содир этишининг олдини олиш мақсадида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, маҳалла тизимида моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўшимча жазоси тайинлаб, асосли хулосага келганлиги ва жазони енгиллаштириш ёки енгилроқ жиноятга оид қонунни қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли шикоятлар важлари билан келишиб бўлмайди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, Н.Анинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 16 апрелдаги ҳукми ўзгаришсиз, Н.Анинг апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	/имзо/	Т.Вахобов
Ҳайъат судьялари	/имзо/	Ф.Абдураимов
	/имзо/	А.Хабибуллаев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят судининг судьяси

А.Хабибуллаев

